

Ибн Жазарий: У киши араб тили ва кироатдан дарс беришни Уммавий жоме масжидида бошлаган. Шамсиддин ибн Соигдан шайхимиз Ибн Лаббон хам «Шотибия» манзумасини ўкиб ўтказган. У кейинчалик Кохирага кайтиб келиб, у ерда тафсир илмидан дарс бера бошлади. Бошка кироатларда тўлик ўқишга унинг рухсати йўқ эди. Мисрга Шайх Умар Хаффоф келганида, Шамсиддин ибн Соиг ўкиб бериш учун унинг хузурига борган эди, тунги пайтдан бошка бўш вақти йўклигини айтиб, узр сўради. Шамсиддин ибн Соиг кечаси унинг олдига келиб, Куръонни ўн кироатда тўлик ўкиб берди.

Мен 69-йили Шамсиддин ибн Соиг олдига борганимда, устозим Ибн Жундий у билан мени кўриштирди. Мен унга ўкиб беришни истаган эдим, рухсат килмади. Кейинчалик бу ишга лаёкатли эканимни кўргач, кечаси келишимга рухсат берди. Унинг олдига тун ярмидан ўтганда келар эдим. Ўша йили у кишига Куръонни «Шотибия», «Тайсир» ва «Унвон» каби тажвид китобларидаги коидаларга мос равишда етти кироатда ўкиб бердим. Кейинчалик, 71- йили унинг хузурига иккинчи бор келиб, унга Такийуддин ибн Соигдан олган ижозасига мувофик Куръонни етти ва ўн кироатда ўкиб бердим. Качон устозим хузурига кечаси борган бўлсам, у кишини ховлиснинг рўпарасидаги бир супада ўтирган холда топар эдим. Мен устозимга иккинчи бор хатм килиб ўтказганимда, ўз кўллари билан ижоза ёзиб бердилар. У кишидан бизнинг, яъни шофийлар шайхи Жамолиддин Абдуррахим Аснавий хузурига мен билан бирга боришларини сўраган эдим, рози бўлдилар ва Кохирадан Носирия мадрасасига – Аснавий хузурига бордик ва мен у кишидан кироат таълимини олганимни айтдилар. Чунки шайхимиз Аснавий менинг кироатдан таълим олганимни билмас эди. Устоз Аснавий менга: «Кироатлардан ижоза олдингми?» дедилар. Шамсиддин ибн Соиг эса: «Нафакат кироатни, балки бошка илмларни хам яхши билади», деди. Сўнг устоз Аснавий: «Мен бу каби закий йигитни кўрмаганман», деди ва у кишидан менинг хақимга умримнинг узок бўлишини сўраб дуо килишларини сўради. Икки устозим: «Аллох хохласа, умри узок бўлади», дея кўлларини дуога кўтаришди. Аллох таолога шукрки, уларнинг дуолари ижобат бўлди. Бугунги кунда улардан ривоят килган мандан бошка ровий борлигини билмайман. Аллох таоло уларни ўз раҳматига олган бўлсин».